Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlaga

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 11-fevral, payshanba, 17 (23.453)-son

Кун ҳикмати

Аслида биз соатга қараб эмас, соат милларида чопаётган имкониятларга, ҳаётга қараб яшашимиз зарур

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йигирма иккинчи сессияси **2021 йил 12 февраль куни соат 10:00** да чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш тўғрисида;
- вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Х.Очиловнинг "Ёшлар муаммоларининг ҳал этилишига кўмаклашиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва қобилиятларини ривожлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи;
- вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари Д.Мамадқуловнинг "Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи;
- вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи И.Ҳамроевнинг "Вилоятда жамоат транспортини ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида"ги ҳисоботи;
- халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссиясининг вилоятда хусусий ва давлат-хусусий шериклик асосидаги тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи;
- кичик саноат зоналари дирекцияси директори А.Юсуповнинг "Самарқанд вилояти Жомбой тумани Деҳқонобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги кичик саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳисоботи;
- Туркия Республикаси фуқароси Меҳмет Хушхурхожи ҳамда Доминикан Республикаси фуқароси Ғаҳанбари Моҳаммад Эбраҳимларга "Фахрий фуқаро" мақомини бериш тўғрисида.
- вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва самарали ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисида;
- халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши котибияти мутахассисларини тайинлаш тўғрисида;
- бошқа масалалар.

Вилоят ҳокими Э.ТУРДИМОВ

2021 йил 9 февраль
№ 16-Қ



НАВОИЙ ИЖОДИ ШАРҚ ВА ҒАРБНИ БОҒЛАГАН

9 февраль. Ҳар йили ушбу санада вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида адабий кечалар, мушоиралар ўтказилади. Бу йилги тадбирлар эса ҳар қачонгидан ўзгача ўтди.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғи эрта тонгдан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар, талаба ҳамда ўқувчилар билан гавжум бўлди.

Боғ марказидаги ҳайкал пойида ҳазрат таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда буюк бобокалонимизнинг ҳаёти, бой маданий мероси ва бугунги кундаги қадр-қиммати хусусида фикр юритилди.

Алишер Навоий асарлари дунё халқларининг бебаҳо маънавий меросига айлангани қайд этилди. Шоирнинг ғазал ва рубоийларини талабалар турли тилларда ўқиди.

- Навоий асарлари бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган, - дейди филология фанлари доктори Эркин Мусурмонов. – Унинг ижодини янада чуқурроқ ўрганишимиз керак. Маълумки, Буюк ипак йўли Хитой ва Юнонистонни Самарқанд орқали боғлаган. Алишер Навоийнинг "Хамса"си ҳам Шарқ ва Ғарбни боғлаган. Бу асарни адабиётдаги "буюк ипак йўли" дейиш мумкин.

Тадбирда вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари томонидан "Навоий Самарқандда" номли саҳна кўриниши намойиш этилди.

Ҳазрат ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

* * *

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида буюк мутафаккир таваллуд топган кунга бағишланган "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди.

Унда вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари, Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби мақомчилар ансамбли ҳамда ёш ижрочилар томонидан Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар куйланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида ҳам Алишер Навоий таваллуд топган кунга бағишлаб маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

"XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси " мавзусида ўтказилган тадбирда навоийшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, ҳарбийлар ва уларнинг оила-аъзолари ҳамда марказ тингловчилари иштирок этди.

- Навоий асарлари биз Ватан ҳимоячилари учун ҳам катта аҳамиятга эга, - дейди ҳарбий хизматчи Хайрулла Ўлмасов. – Буюк мутафаккир бобомизнинг 580 йиллигига бағишланган тадбирда аскарларимиз "Навоий ва унинг замондошлари" номли шоир сиймоси акс этган саҳна кўринишларини намойиш этганда ҳам бунга гувоҳ бўлдик.

Чарос ЙЎЛДОШЕВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар шу кунларда ҳудудларда бўлиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Сенатор мурожаатчилар билан учрашди

Сенатнинг ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев кеча Паст Дарғом туманида бўлди.

Халқ депутатлари Паст Дарғом тумани Кенгаши котибияти ва доимий комиссиялар раислари билан мулоқот давомида сенатор парламент юқори палатасининг яқинда ўтказилган ўн иккинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган масалалар ҳақида маълумот берди. Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси ҳамда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий Кенгашларнинг ўрни, амалга ошириладиган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Шундан сўнг Б.Сайфуллаев пастдарғомлик фуқароларнинг Олий Мажлис Сенатига йўллаган мурожаатларини жойига бориб ўрганди. Жумладан, Ўрта Чархин маҳалласида яшовчи тадбиркорлар Б.Шокиров ва С.Шокировларнинг банк билан боғлиқ мурожаати томонлар иштирокида муҳокама қилиниб, муаммога ижобий ечим топилди. Шунингдек, Олти қаҳрамон маҳалласида истиқомат қилувчи Э.Пармоновнинг аризаси кенг жамоатчилик билан бирга кўриб чиқилди.

1008 РАҚАМИГА қўнғироқ қилганмисиз?

Ёки адлия идораларининг функцияси ва олдида турган вазифалар хусусида

Шахсий ёки жамоавий ҳуқуқи бузилган одам кимга мурожаат қилиши қулайроқ? Ҳокимлик ёки бошқа давлат органлари қонунчиликка риоя қилаётганини қайсидир идора ўрганиб борадими? Шу ва бошқа саволлар билан вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Салоҳиддин Нуриевга мурожаат қилдик.

- Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш адлия органларининг асосий вазифаси ҳисобланади, - дейди С.Нуриев. - Бундан ташқари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга оширамиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашилади.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилади.

Нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳам адлия идоралари зиммасига юкланган.

- Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва қонунларга ҳурмати билан боғлиқ. Шу маънода бугун вилоят адлия бошқармаси, унинг қуйи тизимидаги ходимлари олдида турган вазифалар нималардан иборат? Самарқандда вилоятнинг ўзига хос лойиҳалари, чора-тадбирлар борми?

- Жорий йилда ҳар бир адлия ходими нафақат ижтимоий тармоқлар орқали, балки уйма-уй юрган ҳолда, фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари тўғрисида маълумот беради.

2-саҳифа »»

2021 йил 9 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси зиёрат марказига айлантирилади

Унга кўра, ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш доирасида **Фарғона – Урганч – Фарғона, Термиз – Урганч – Термиз ҳамда Қарши – Урганч – Қарши** авиарейслари йўлга қўйилади. **Андижон – Хива – Андижон** темир йўл қатнови сони оширилади;

Термиз – Қарши – Хива, Хива –Урганч – Нукус ва **Термиз – Қарши – Самарқанд** йўналишлари бўйича доимий темир йўл қатнови йўлга қўйилади.

Қуйидаги имтиёз ва преференциялар муддатлари **2021 йил 31 декабрга** қадар узайтирилди:

- туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш;
- камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдорида қисман субсидиялаш;
- туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар бўйича:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш;

улар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фоиз миқдорида белгилаш.

Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни ва Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) диний байрамларини нишонлаш даврида қўшимча ва кўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар уч кундан кам бўлмаган муддатга белгиланади.

Ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёҳат қилишни назарда тутувчи беш иш кунидан кам бўлмаган **"оилавий саёҳат таътили" тизими жорий қилинади.** Бунда, "оилавий саёҳат таътили" йиллик асосий таътил ҳисобидан тақдим этилади ва жамоавий шартномаларга мувофиқ иш берувчининг розилиги билан амалга оширилади.

2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслардан жойлаштириш воситасида, улар яшаган ҳар бир кун учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда туристик (меҳмонхона) йиғим ундирилади.

2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 10 кунлик муддатга ўз ёки учинчи мамлакатга учиш авиачиптасини тақдим қилган Баҳрайн Қироллиги, Қатар Давлати, Қувайт Давлати, Уммон Султонлиги ва Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг ва Макао махсус маъмурий ҳудудлари фуқаролари учун визасиз режим белгиланади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб "Ипак йўли" туризм халқаро университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро ва Термиз давлат университетларида "зиёрат туризми", "транспорт логистикаси" ва "ижодий саноат" (creative industry) магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

2021 йил 1 августга қадар қадимий ипак қоғози хомашё захирасини шакллантириш манбаи сифатида Имом Бухорий мажмуаси атрофидаги 64 гектар ер майдонида тут плантацияси ва Самарқанд ипак қоғозини ишлаб чиқариш бўйича "Ипакчилик шаҳарчаси" туристик мажмуаси ташкил этилади.

Буюк аллома ва уламоларимиз, айниқса, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг кўламда оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида, индонез, бенгал, малай, турк, араб, ҳинд, урду, пушту ва бошқа хорижий тилларда **"Имом Бухорий" зиёрат туризми йўлдош телеканали** ташкил этилади.

Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси зиёрат марказига айлантирилади ҳамда атрофидаги 8 нафар буюк уламоларнинг қабрларини тиклаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Самарқанд шаҳрида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндалари мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи **тематик хиёбони яратилади**.

1008 РАҚАМИГА қўнғироқ қилганмисиз?

Ёки адлия идораларининг функцияси ва олдида турган вазифалар хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини, айниқса Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижросидан келиб чиқиб Президент ҳужжатларининг ижросини таъминлашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Президент Мурожаатномасидан келиб чиқиб 2021 йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режамиз вилоятнинг ўзига хос лойиҳаси дейиш мумкин. Унда норма ижодкорлиги соҳасида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини бир хиллигини таъминлашга, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган вазифалар белгиланган.

- Фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш адлия органларининг вазифаси деяпсиз. Адлия бошқармаси жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга қанча даъво аризаси киритди? Туман ва шаҳар бўлимларичи?

- Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йилда жисмоний шахслар манфаатини кўзлаб судларга 1 миллиард 506 миллион 668 минг сўмлик 94 та даъво аризаси киритилган. Йил якунига қадар 895 миллион 149 минг сўмлик 49 та даъво ариза қаноатлантирилган. 610 миллион 519 минг сўмлик 47 та даъво ариза судларда кўриб чиқиш жараёнида.

Шаҳар ва туман адлия бўлимлари томонидан 2 миллиард 671 миллион 523 минг сўмлик 861 та даъво ариза киритилган. 814 та даъво ариза қаноатлантирилган.

Мисол учун, Пайариқ тумани адлия бўлими томонидан 124 та, Жомбой тумани адлия бўлими томонидан 74 та даъво киритилган.

- Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда адлия идораларининг ўрни, роли бошқаларга нисбатан каттароқ бўлиши керак, назаримда. Аммо вилоятнинг бош нашри - "Зарафшон" газетасида тизим ходимларининг чиқишлари бошқа ҳуқуқ-тартибот органларига нисбатан 4-5 марта камроқ. Буни нима билан изоҳлаган бўлардингиз?

- Албатта, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда адлия идораларининг ўрни, роли бошқаларга нисбатан каттароқ бўлиши керак. Бироқ бу фаолият биргина "Зарафшон" газетасида камроқ чиқиш билан ўлчанмайди.

Негаки, ўтган йилда адлия органларининг 100 дан ортиқ материали Адлия вазирлигининг "Инсон ва қонун" газетасига, шунингдек "Hudud24" телеграм саҳифаларига жойлаштирилган. Шунингдек, шаҳар ва туман адлия бўлимлари ҳудудий нашрларда чиқиб турибди.

Умуман, 2020 йилда 79 марта телевидение, 121 марта радио, 241 марта газета ва журналлар, 4 минг 128 марта веб-сайт ва бошқа ижтимоий тармоқларда тарғибот тадбирлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, 13 минг 505 марта оғзаки (маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, меҳнат жамоаларида ҳамда уйма-уй юрган ҳолда ўтказилган тарғибот тадбирлари) ҳамда 441 марта кўргазмали (плакатлар, буклетлар, флаерлар ва бошқа кўргазмали воситалар ёрдамида) ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган.

Вилоят божхона бошқармаси томонидан 2020 йилда 359 марта ОАВ орқали чиқишлар ташкил этилган. Бу вилоят адлия бошқармаси томонидан ОАВда божхона бошқармасига нисбатан 13 марта кўп чиқиш қилинганидан далолат беради.

- Бошқарув органларининг юридик хизмат ходимлари айнан адлия идоралари билан келишилиб лавозимга тайинланади. Шундай бўлишига қарамай, ҳокимларнинг юзлаб қарорлари адлия идоралари тақдимига биноан бекор бўлмоқда. Аслида бундай қарорларни олдинроқ қонун талабига мослаштириш зарур эмасми, нима дейсиз?

- Тўғри, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этишда мажбурий тартибда адлия органлари билан келишади. Бироқ юридик хизмат лавозимига номзодларни танлаш ва ишга қабул қилиш иш берувчи томонидан амалга оширилади. Адлия органлари юридик хизмат ходимларини лавозимга тайинлаш бўйича ўтказилган суҳбат асосида юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқий билимига баҳо бериб, лавозимга тайинланишига мувофиқлигини билдиради, холос.

Юридик хизмат ходими ташкилотнинг юридик ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишида ва унга ҳуқуқий баҳо беришида адлия органлари иштирок этмайди ҳамда фаолиятига аралашмайди.

Рост, ўрганиш ва мониторингларимиз натижасида шаҳар ва туман ҳокимликларида 300 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди, 200 дан ортиқ қарорлар бекор қилинган.

Аммо ушбу камчиликларда фақатгина юридик хизмат ходимини айблаш ноўрин. Чунки ҳокимликда қабул қилинаётган барча қарорлар ҳам юридик хизмат ходими томонидан ишлаб чиқилмайди ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайди. Қарор лойиҳалари йўналишига кўра котибият ходимлари томонидан ишлаб чиқилади ва аксарият ҳолларда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юридик хизмат ходимига тақдим қилинмасдан қабул қилинади. Оқибатда қонун ҳужжатларига зид тарзда қарорлар қабул қилинмоқда.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида адлия вазирлигининг ташаббуси билан жорий йилдан адлия бўлимлари ҳузурида юридик хизмат марказларини очиш режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилнинг июль ойидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги қарорига мувофиқ "E-qaror" электрон тизими ишга туширилади ва ҳокимларнинг қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларга такрорланмайдиган махсус рақам бериш тартиби жорий этилади.

- Адлия тизимида бошқа ташкилотлардан аввалроқ ишонч телефонлари жорий қилинган. Аммо вилоят адлия бошқармасида бу телефон ишламаётгандек, назаримда.

- Адлия вазирлигида 2018 йил 11 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан "Call center" ташкил этилган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозим, "Call center"да мурожаатлар душанба кунидан жума кунигача (байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Мурожаатлар 30 дақиқа ичида рўйхатга олинади ва тегишли ижрочига электрон тизим орқали юборилади. 2020 йилда вилоят адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) адлия бўлимларига ишонч телефони - 1008 орқали келиб тушган 82 та мурожаат кўриб чиқилиб, ҳал этилган.

Қайд этиш лозимки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати юзасидан уларнинг илтимосига биноан масъул ходимлар томонидан реал вақт режимида тушунтиришлар ҳам берилади. Тушунтириш сўралган мурожаат рўйхатга олинмайди.

- Давлатимиз раҳбарининг ижро интизомини мустаҳкамлаш борасидаги фармони лойиҳасида жойлардаги ислоҳотларнинг натижадорлигини аниқлаш ва мониторинг қилиб боришда адлия идораларига катта ваколат берилмоқда. Бу қанчалик ўзини оқлайди, деб ўйлайсиз?

- Адлия вазирлиги тизимига берилган бу ваколат тўлиқ ўзини оқлайди, деб ҳисоблайман. Сабаби, адлия органлари томонидан амалга ошириб келинаётган қуйидаги вазифалар фармон лойиҳаси билан бевосита ва мантиқан боғлиқ.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги қарорига асосан адлия органларининг вазифаси ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкиллаштириш масалалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига тушунтиришлар бериш ҳисобланади.

Адлия бошқармаси ва унинг тизими томонидан мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида 120 дан ортиқ назорат режалар ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган. Шунингдек, 400 дан ортиқ ҳуқуқий маслаҳатлар берилган бўлса, 1000 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари иштирокида ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, адлия органлари Президент қарорлари ва фармонларини давлат органлари томонидан қўллаш масаласида ҳуқуқий маслаҳат бериш, назорат режалар ишлаб чиқиш орқали ижросини ташкил қилишда услубий раҳбарликни амалга ошириш, тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаларини амалга оширади. Шу билан бир қаторда, уларнинг ижросини назорат қилиш вазифасини ҳам бажариши мақсадга мувофиқ ва бу ўзининг ижобий натижасини беради, деб ҳисоблайман.

- Суҳбатимиз сўнгида вилоят адлия бошқармаси бошлиғи сифатида аҳолига, умуман кенг жамоатчиликка айтадиган гапингиз бўлса, марҳамат!

- Адлия органларининг олдига қўйган энг асосий мақсади халқ билан бирга бўлиш, халқнинг оғирини енгил қилишдан иборат. Шу сабабли фаолиятимизни "Ҳар бир ходим ҳар куни битта бўлса ҳам фуқарони рози қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйиши лозим" деган тамойил асосида ташкил қилганмиз.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ёқубжон МАРҚАЕВ суҳбатлашди.

Депутат таклиф киритади

Тиббиёт ходими, қолаверса, депутат сифатида мактабларга борганимда кўп эътибор қилганман – ҳожатхонадан қайтаётган болаларнинг деярли барчаси қўл ювмайди. Чунки қўл ювишга шароит йўқ.

Мактабларда нега қўл ювгич йўқ?

оқибат билан эмас, сабаб билан курашишимиз керак

Елим қўл ювгичлар тахтага номигагина қоқилган. 4-5 та бундай воситаларнинг биронтасининг ичида суви йўқ. Борлари ҳам эски сув.

Энди қаранг, ҳеч бўлмаса умрида бир марта гельминтоз, яъни ичига паразит тушмаган инсонни топиш амримаҳол. Ваҳоланки, гельминтоз ва гепатит А фақат ифлос қўл орқали юқади.

Умуман, мактаб ўқувчиси доим юзаларга қўли билан тегинади. Шу алфозда тўғри мактаб ошхонасига ёки яқин атрофдаги дўконга ўтиб, бирор егулик тановул қилади. Аксарият туман мактабларида аҳвол шундай.

Юртимизда фақат гельминтозни даволаш учун миллиардлаб маблағ ажратиляпти. Аммо бу фақат оқибатни бартараф қилишга хизмат қилади. Негаки, бола қўлини ювмагач яна икки ойда паразит қайта ичига тушаверади.

Атмоқчи бўлганим, болаларни қўл ювишга ўргатмас, бунинг учун етарли шароит яратиб бермас эканмиз, гельминтоз касаллигига қарши курашиш яхши самара бермайди.

Оддий мисол, Японияда қўл ювиш техникаси оммалаштирилгач гельминтоз ва гепатит А билан касалланиш фоизи кескин камайган.

Шунинг учун мактабларда замонавий қўл ювиш мосламалари ўрнатишни кечиктириб бўлмайди.

Одатда кўпчилик ота-оналар гельминтоз касаллигига беэътибор бўлади. Аммо ичида паразит - гельминти бор болаларнинг интеллектуал салоҳияти яхши ривожланмайди. Чунки, унинг егани ўзига юқмайди - қони кам бўлади. Энг ёмони, бундай болаларда ҳеч қайси ички орган тўлақонли ишламайди. Яъни, камқонликка мослашиб ишлайди - функцияси тенг ярмига камаяди.

Оқибатда бола яхши ухламайди. Инжиқ бўлади. Хотираси пасаяди. Бориб-бориб неврозга йўлиқади. Қисқаси, бу занжир реакциясига ўхшайди. Оддий кўринган касаллик асорати бошқа бир муаммоларни келтириб чиқараверади.

Вилоят Кенгаши сессиясида берган таклифим бўйича вилоят молия бошқармасидан бу борада дастлабки ўрганиш ишлари олиб бориляпти. Яъни, мактабларда замонавий қўл ювиш воситаларини ўрнатиш харажатлари ва мавжуд имкониятлар ҳисоб-китоб қилинмоқда. Ўйлайманки, бу масала тез орада ўз ечимини топади.

Шу ўринда масаланинг узвий давоми сифатида яна бир таклифим бор. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шу кунларда «маҳаллабай» тизими асосида иш олиб бориляпти. Натижада ҳудудлар ободонлаштирилиб, ҳар бир хонадоннинг турмуш тарзини яхшилаш чоралари кўриляпти.

Бу борада қишлоқ жойларда ҳам санитар-гигиена шароитларини яратиш мақсадга мувофиқ. Яшириб нима қилдик. Ҳаммомсиз қишлоқларимиз жуда кўп. Аслида замонавий технологиялар асосида буни ҳар бир хонадонда ташкил қилиш мумкин. Гап фақат озгина ҳафсала ва эътиборда.

Суриштириб кўрдим, 15-16 миллион сўм маблағ сарфлаб сув чиқариш қурилмаси, замонавий сув иситиш қозони ва ювиниш хонасини ташкил қилиш мумкин. Бир қарашда бу оддий қишлоқ одами учун катта маблағ. Бироқ буни истеъмол ёки бошқа турдаги кредит кўринишида ташкил қилиш мумкин. Шунда ойига 400-500 минг сўмлик тўлов ҳеч бир оилага оғирлик қилмайди. Муҳими, яшаш шароитлари янгиланади. Энг асосийси, болалар гигиена қоидаларига риоя қилишни ўрганади.

Нилуфар НУРМАТОВА, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея Республикалари ҳамкорлигида замонавий консервация ва реставрация лабораториясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Самарқандда Корея билан ҳамкорликда илк замонавий консервация ва реставрация лабораторияси ташкил этилди

Тадбирда Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Кан Чже Квон, Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос департаменти бошлиғи Камола Акилова сўзга чиқиб, икки давлат ўртасидаги маданий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик ришталари бундан 1400 йил олдин ўрнатилгани, Самарқандга шу мақсадда ташриф буюрган элчилар Афросиёб музейи деворларидаги суратларда тасвирланганини алоҳида таъкидлади.

- Ушбу лойиҳанинг амалга оширилишига 2019 йилда Жанубий Корея Республикасининг Маданий мерос департамент фонди билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ҳамда Фанлар академияси ўртасида "Ипак йўли маданий меросини тадқиқ этиш ва сақлаш"га доир меморандум имзолангани асос бўлди, - дейди лаборатория ускуналарини ўрнатиш ва ходимларга ўргатиш ишларига масъул ходим Жисео Ким. – Юртингизда лабораториянинг ташкил этилиши кўплаб ноёб экспонатларнинг қайта тикланишига, Ипак йўли маданий меросининг сақланишига хизмат қилади. 2020 йил карантин бўлишига қарамай, ҳамкорликда лабораторияни ташкил этиш ишларини олиб бордик. Мақсадимиз Афросиёб музейида сақланаётган деворий суратларни келажак авлодга етказиш, уларни сақлаш бўйича саъй –ҳаракатлар олиб бориш. 2021 йилда бевосита деворий суратларни ҳар томонлама мукаммал сақлашга эришиш учун бу ердаги атмосфера ҳавосини, намгарчиликни бошқариш имкониятини берадиган тизимни яратиш ниятидамиз. Шу билан бирга лойиҳа Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи фондида сақланаётган этнографик ва археологик топилмаларни реставрация ва консервация ишларини амалга ошириш учун ҳам йўналтирилган. Асосан металл ва тош экспонатлар реставрация қилинади. Биз видеороликлар орқали музей ходимларига ушбу ускуналардан фойдаланиш учун семинар-тренинглар ўтказдик. 2021 йилда лабораторияда кореялик таъмирловчи мутахассислар томонидан ускуналардан фойдаланиш бўйича семинар-тренинглар ҳар бир илмий ходим учун ўтказилади.

Мазкур лабораторияни замонавий асбоб-ускуналар ва кимёвий материаллар билан таъминлаш учун 700 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди ҳамда 12 турдаги ускуналар келтирилди.

- Олдин музейдаги реставрация жараёнлари қўл меҳнати асосида қилинар эди, - дейди музей таъмирловчиси Бахриддин Болиев. – Лабораториядаги замонавий ускуналар бизга ҳар бир экспонатни мукаммал ўрганиш имкониятини беради. Масалан, мана бу видеокамерали микроскоп экспонатларни 50 минг мартагача катталаштириб кўрсатиш хусусиятига эга. Яна бир ускуна эскпонатларнинг юзасидаги тузларни ювади, яна бири катта босим остида консервация қилади. Ҳозирги кунда музейимиздаги 50 фоиздан ортиқ экспонатлар реставрацияга муҳтож, ушбу ускуналар тарихимизни келажак авлодга етказишда катта имкониятлар эшигини очади.

Самарқандда замонавий таъмирлаш лабораториясининг очилиши, юртимизнинг илмий салоҳиятини кучайтиришга, тарихий экспонатларимизни сақлашга, Ўзбекистоннинг Осиё минтақаси, хусусан Жанубий Корея Республикаси билан маданий алоқалари ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга йўл очади.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

ФИРИБГАРНИНГ найранги фош бўлди

Ургут туманининг Тараққиёт қишлоғида яшовчи фуқаро З.Ж. муқаддам ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлиги учун жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2018 йил 25 октябрдаги ҳукмига кўра иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган эди. Бундан етарли хулоса чиқармаган фуқаро жиноий қилмишларини жазо муддатини ўташ чоғида ҳам давом эттирди.

Бу сафар у туманнинг Узунсой маҳалласида яшовчи 3 нафар фуқарони алдаб, ишончига кириб, "Тароқли" агрофирмаси ҳудудида жойлашган, туман ҳокимлиги захира ер майдони ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган суғориб ҳайдаладиган ер майдонининг бир сотихини 3 миллион 200 минг сўмдан сотишга келишади. "Харидор"лардан жами 1 500 АҚШ доллари ва 74 миллион 800 минг сўм пулни фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Унинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари "Ўзагроинспекция"нинг Ургут туман бўлими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида Ургут туман ИИОФМБ тергов бўлими томонидан фуқаро З.Ж.га нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилиб, жабрланувчиларга етказилган 1 500 АҚШ доллари ва 74 миллион 800 минг сўм маблағ қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг ҳукми билан З.Ж. айбдор деб топилиб, унга нисбатан жиноий жазо тайинланди.

Зайнобиддин СУВОНОВ, "Ўзагроинспекция"нинг Ургут туман бўлими бошлиғи ўринбосари.

Ҳисобчилар халқаро стандартларга ўқитилмоқда

Капитал бозорида акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларни тўғри юритиши муҳим ҳисобланади. Шу боис, акциядорлик жамиятлари ҳисобчилари молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида ўқитилди ва сертификатлар топширилди.

Хўш, ҳисобчиларни ўқитиш нега зарур?

Чунки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига тезроқ ўтиш хорижий инвесторларни зарур ахборот билан таъминлайди ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгаяди. Шунингдек, ҳисобчи ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизими ҳам такомиллаштирилади.

Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар жорий йилдан МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритиши белгиланган. Йил якунидан бошлаб молиявий ҳисобот тўлиқ МҲХС асосида тайёрланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг кенг миқёсда тан олинган меъёрий тизими ҳисобланади. Ушбу стандартлар хорижий мамлакатлар бўлинмаларидаги активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларни йиғма ҳисоботларда акс эттиради ҳамда ушбу ҳисоботлардаги кўрсаткичлардан бошқа сармоядорлар ҳам танишади.

Норбой ЖЎЛМАТОВ, капитал бозорни ривожлантириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Бола муассасада эмас, оилада тарбия олгани маъқул

Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалалари тегишли идоралар вакиллари иштирокида муҳокама этилар экан, шундай болаларга қаратилаётган эътибор, ҳукумат қарорлари ижроси ҳақида фикрлар билдирилди.

Вилоят, шаҳар ва туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари аъзолари, васийлик ва ҳомийлик бўйича мутахассислар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари иштирок этган анжуманда мутасаддилар нега меҳрибонлик уйлари сони камаяётгани, ота-она қарамоғисиз қолган болалар патронат оилаларга берилаётгани натижалари, чин етим болаларга яратилаётган шароит ҳақида сўз юритди.

Бугунги кунда вилоятда битта Болалар уйи, 1-сонли Меҳрибонлик уйи ва SOS болалар маҳалласи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу муассасаларда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 258 нафар бола тарбияланмоқда. 574 нафар чин етим болалар умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олмоқда. 2020 йил давомида туман шаҳар халқ таълими бўлимлари қошидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан турли сабабларга кўра ота-она қарамоғисиз қолган 1552 нафар бола аниқланиб, оилаларга жойлаштирилган. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 138 нафар боланинг 24 нафари кам таъминланган оила фарзандларидир.

- Айни дамда маҳаллада 74 нафар болажонлар 13 та оилавий уйларда SOS оналари ғамхўрлигида тўлақонли оила фарзандлари сингари тарбияланмоқда, - дейди SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасининг Самарқанд филиали директори Дилрабо Давронова. – 2020 йил давомида 8 нафар тарбияланувчи ўз биологик оиласи бағрига қайтарилди, бир нафари фарзандликка берилди. 15 нафар тарбияланувчиларимиз уй-жой билан таъминланди. Болаларнинг барчаси ўз қизиқишларига кўра санъат, маданият, фан тўгаракларига жалб этилган. Улар орасида турли танловларда юқори ўринларни эгаллаганлар сони ортаётир.

Шунингдек, анжуман давомида вилоят халқ таълими бошқармасининг васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича мутахассиси соҳадаги янгиликлар билан иштирокчиларни таништирарди.

Вилоят прокуратураси ҳокими эса вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича қатор камчиликларни очиқ-ойдин баён этди. Хусусан, ўтган йил давомида 141 нафар вояга етмаганлар турли жиноятларга аралашиб қолган. Ҳанузгача уй-жой билан таъминланмаган меҳрибонлик уйлари битирувчилари ҳақида маълумот берилди.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

Самарқанд ҳарбий прокуратурасига 2020 йилда жисмоний ва юридик шахслардан 161 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 130 таси бевосита ҳарбий прокуратурада ҳал этилиб, 22 таси қаноатлантирилган, 108 таси бўйича тушунтириш берилган.

Ҳарбийлар қарздор экан

Қонуний ҳал этилган мурожаатлар бўйича айбдор шахслардан жами 203 миллион 797 минг сўм ундирилган, 1 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, 1 та қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протест келтирилган.

Масалан, АТБ Халқ банки вилоят филиалининг кредит қарздорлигини ўз вақтида тўламаётган 6 нафар ҳарбий хизматчилардан ҳисобланган фоиз ва асосий суммани ундиришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганилди. Натижада ҳарбий хизматчилардан 23 миллион 755 минг 859 сўм миқдорида кредит қарздорлиги сўндирилди.

Шунингдек, Каттақўрғон шаҳар Қўшҳовуз маҳалласида яшовчи М.Боймуродова 3 нафар ҳарбий хизматчилар қарзга пул олиб қайтармаётганидан норози бўлиб, Бош прокуратура "Ишонч телефони"га йўллаган мурожаати ўрганилиб, 57 миллион сўм миқдоридаги пуллар ундириб берилди.

Умуман, Самарқанд ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан 2020 йилда 394 нафар, шундан сайёр қабулларда 278 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди. Шундан 109 нафари шахсан прокурор томонидан қабул қилиниб, уларга тегишли тартибда қонуний тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан 27 марта қонунчилик тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Маъруфжон ПАРПИЕВ,
Самарқанд ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия капитани.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

юқори малакали профессор-ўқитувчиларни қуйидаги кафедралардаги лавозимларга танлов асосида ишга таклиф этади:

Т/р	Лавозимлар ва фанлар номи	Ўринлар сони
1	Фундаментал фанлар кафедраси мудири (илмий даражали)	1
2	Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси мудири (илмий даражали)	1
3	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва механизациялаш кафедраси мудири (илмий даражали)	1
4	Катта ўқитувчи (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)	1
5	Ассистент (иқтисодчилар учун математика)	1
6	Ассистент (рус тили)	1

Ҳужжатлар (ариза (директор номига), паспорт нусхаси маълумотнома (объективка), 2 дона 3х4 см. ўлчамдаги фотосурат, тасдиқланган илмий ва услубий ишлари рўйхати, дипломларидан нусхалар, сўнгги 3 йилда малака оширганлиги тўғрисида ҳужжат нусхалари) газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

Номзодлар замонавий педагогик ва ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган бўлиши шарт. Илмий даража ва унвонга эга бўлиш, чет тилини яхши ўзлаштирганлик танловда устунлик беради.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар батафсил маълумот олиш учун филиал ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
Манзил: Оқдарё тумани Даҳбет қўрғони, Амир Темур кўчаси, 7-уй.
Телефонлар: 93-780 24 84, 93-231 13 26.

Қутлаймиз!

Ҳурматли Фарида АКБАРОВА!
Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман!

Ф.Акбарова узоқ йиллар Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги «Бўстон» санаторийсига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳалоллиги, фидойилиги сабаб жамоа орасида ҳурматга сазовор бўлмоқда. Унинг раҳбарлиги даврида сиҳатгоҳ нафақат республика, балки қўшни давлатлар аҳолисига ҳам намунали хизмат кўрсатиб, мақтовларга сазовор бўляпти.

Бу даргоҳда даволаниб, саломатлигини тиклаётган минглаб юртдошларимиз қатори мен ҳам шифокорим Фарида опага сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, фарзандлари, набиралари қуршовида узоқ ва мазмунли ҳаёт кечиришини тилаб қолман!

Мўмина ГУЛЯМОВА,
Самарқанд шаҳри.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАР ВА ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"1-КВ shakli йиллик" микрофирма ва кичик корхонанинг 2020 йил учун йиллик статистик ҳисоботини (тегишли иловалари билан) **2021 йил 26 февралдан кечиктирмай**, хато ва камчиликларсиз **(www.samstat.uz) "eStat3.0"** тизими орқали электрон кўринишда тақдим этишлари шартлигини эслатамиз.

Ҳурматли тадбиркорлар, ҳисоботни ўз вақтида жўнатишни унутманг. Сизга яратилган имкониятдан фойдаланинг, вақтингизни қадрланг.

Электрон ҳисобот қулай, тезкор ва самарали.
Мурожаат учун телефонлар: (66) 235-45-90, 235-42-95, 231-12-58, 230-45-27, 230-45-44.
ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Самарқанд филиали учун бино қуриш бўйича қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилинади.

Т/р	Обект номланиши	Лойиҳа қиймати ҚҚС билан	Лойиҳа қиймати ҚҚС сиз	Ишни бажариш муддати
1.	Самарқанд вилояти Самарқанд филиали учун бино қуриш	4 517 025 867 сўм	3 927 848 580 сўм	240 кун

Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145 Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 147-уй;

Мурожаат учун: Х.Сайидов. Телефон рақами: 66-237-86-07;

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни бажариш, товарларни ишлаб чиқарувчидан етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9106820);

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охирги санаси ва вақти: 2021 йил 19 февраль куни соат 16:10 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши лозим;

- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145 Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилоят филиали.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 147-уйда 2021 йил 23 февраль куни соат 11:00.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Иштихон туман ҳокимлиги қайта ташкил этиш комиссияси тумандаги «Равот қўрғони» ММТП ҳудудидаги туман захираси ҳисобида бўлган 591, 592, 589, 571, 363, 425, 592, 205 ва 592-қ-рақамли контурдаги жами 16,95 га. ер майдони чорвачилик ва сабзавотчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этишга ер ажратиш учун танлов ўтказилишини маълум қилади. Аризалар газетада эълон чоп этилгач, ўн кун мобайнида қабул қилинади. Танловга оид барча масалалар юзасидан туман қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат этишингиз мумкин.

Манзил: Иштихон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими биносининг 2-қавати. Телефон: 66-629-25-45.

* * *

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 12 октябрда 902337 реестр рақами билан рўйхатга олинган «ASIA PERFEKT GOLD» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «ASIA PERFEKT GOLD» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2021 йил 10 февралдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 32-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307810933.

* * *

Оқдарё туман давлат хизматлари марказидан 2020 йил 8 февралда 812321 реестр рақами билан рўйхатга олинган «AGRO-FAYZ FERMASI» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «AGRO-FAYZ FERMASI» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2021 йил 10 февралдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Авазали қишлоғи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307111727.

* * *

Жомбой туманидаги «JOMBOY MEVA SABZAVOT SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303991919) ўз устав фондини 12 292 746 (ўн икки миллион икки юз тўқсон икки минг етти юз қирқ олти) сўмдан 6 500 000 (олти миллион беш юз минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Жомбой тумани Ўртабўз қўрғони.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Туракулов Джуракулга (2011 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.

* * *

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Мамадкулов Зокир Джавлиевичга (2016 йил 5 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Мавланов Зохир Имамкуловичга (2020 йил 18 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Қудратов Абдулазиз Норбой ўғли номига берилган U № 4882278 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Норқулов Хуршиджон Жамшид ўғли номига берилган UM № 0135178 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги «R.XAMROEV-UNIVERSAL-TEX» ММТП масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 205654554) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги) 47-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Шарифова Зулайхо Аъламовна номига берилган U № 2492380 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «TONG MATBUOT TARQATISH» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 304234837) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 65-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Файзиев Шерзод Шухратович номига берилган U № 3090413 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 65-умумий ўрта таълим мактабидан 2016 йилда Акбаров Абдулхай Ойбекович номига берилган U № 7468013 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институтига қарашли Самарқанд шаҳри Ғиёсиддин Жамшид кўчаси, 34-манзилда жойлашган "Чинор" ошхонасининг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 28-сонли ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Олмасова Гулизор Эркиновна номига берилган O`R-SH № 0616688 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Исмаилова Моҳичеҳра Зафар қизи номига берилган TM № 0013026 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Камалова Наргиза Зарибовна номига берилган U № 1090963 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Камалова Наргиза Зарибовна номига берилган O`R-SH № 0350329 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

2-сон Самарқанд тиббиёт билим юртидан 1996 йилда Ахадова Манзура Хакимовна номига берилган рўйхат рақами 27575, № 160912 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Алишер Навоий” халқаро журнали таъсис этилди

Президентимизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш лозимлиги таъкидланган.



Бу эса филология илми ва навоийшунослик, хусусан, адабий таъсир, қиёсий адабиётшунослик, матншунослик ва таржима масалалари билан шуғулланаётган тадқиқотчилар зиммасига жаҳоннинг илғор технологиялари, назарий ғояларига ҳамоҳанг илмий тадқиқотларни амалга ошириш вазифасини юклайди. Олимларимизнинг илмий салоҳияти, инновацион ғояларини жаҳонда тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро нуфузга эга “Алишер Навоий” журнали таъсис этилди.

Журналда навоийшунослик, шоир адабий меросининг умумжаҳон тамаддунида тутган ўрни ва адабий таъсир масалалари ёритиб борилади.

Буюк шоир таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан журналнинг 1-сони эълон қилинди. Журнал Самарқанд давлат университети профессори И.Мирзаев ташаббуси, бош муҳаррирлиги ҳамда Tadqiqot.uz сайти ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Алишер Навоий халқаро журнали Америка Қўшма штатларининг Crossref.org тизимига киритилган ҳамда ҳар бир мақолага рақам берилади. Журналда навоийшуносликдаги муҳим масалалар – “Навоий ва жаҳон адабиёти”, “Навоий ва тилшунослик масалалари”, “Темурийлар даври туркий ва ўзбек адабиёти”, “Баҳосиз битиклар”, “Аслият уммони”, “Навоий насри ва назми нафосати”, “Тасаввуф”, “Фасоҳат”, “Бадиият”, “Аруз ва қофия”, “Адабий таъсир”, “Таълим-тарбия” каби бир қатор рукнларда қамраб олинган.

Журналнинг 1-сонида юртимиз ва хорижлик навоийшунос олимларидан профессор И.Мирзаев, М.Муҳиддинов, Ҳ.Дадабоев, М.Холбеков, Қ.Содиқов, И.Ҳаққул, Д.Салоҳий, Н.Жабборов, У.Жўрақулов, А.Эркинов, Д.Юсупова, Танжу Сейҳан, Олмос Улвий Биннатова, Маре Тоунтант, Амир Немати Лимаъиларнинг буюк шоир ижодининг долзарб масалаларига бағишланган илмий кузатишлари ёритилган.

Ушбу халқаро электрон илмий журналга мақолалар ўзбек, рус, инглиз, француз, турк, тожик каби тилларда қабул қилинади ва нашр жаҳоннинг турли мамлакатларида амалга оширилаётган навоийшуносликка оид тадқиқотларни ёритиб боришга мўлжалланган.

Р.РЎЗМОНОВА
СамДУ доценти.

Театр саҳнасида тиббиёт институти талабалари

Вилоят мусиқали драма театрида Самарқанд давлат тиббиёт институти талабалари томонидан “Қуш тили” (“Лисон ут-тайр”) спектакли намойиш этилди.

Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари асосида саҳналаштирилган мазкур спектакль Исроил Тожибоев инценировкаси асосида театр режиссёри Шуҳрат Санақулов томонидан саҳналаштирилди.

- Институт талабалари илк бор театр саҳнасида спектакль саҳналаштирди, - дейди “Талабалар театр студияси” раҳбари Суҳроб Эрбоев. – Театр жамоасининг ҳамкорлиги, уларнинг талабаларга актёрлик маҳоратини ўргатгани, истеъдодли ёшларнинг Навоий бобомиз ижодига бефарқ эмаслиги мана шундай асар яралишига туртки бўлди. Айнан “Лисон ут-тайр” достонини бежиз танламадик. Чунки асарда инсон комилликка эришиш учун олдига қўйган мақсадлар сари интилиши, изланиши, ўз касбига муҳаббат билан ёндашиши, билимли, маърифатли бўлиши, бу йўлдаги барча ғовларни енгиб ўтиши кераклиги ҳақида чуқур фалсафий маъно бор. Бугун ҳам бу маънавий ғоя ёшларимиз учун ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Ёнимиздаги одамлар

Умумий меҳнат стажи бир инсоннинг умрига тенг – 61 йил. Бу айтишгагина осон. Шунча вақт ичида қанча сувлар оқиб ўтиб, қанча талотўпларга гувоҳ ёки шахсан иштирокчи бўлиш керак.

КАДР ОРТИДАГИ ҚАҲРАМОН

Арслон Рустамов шу маънода ҳаёт синовларини мардона енгиб келаётгани учун қадрлашга, эъзозлашга арзийди. Аммо у киши чин инсоний фазилатлари, фидойилиги ва олийжаноблиги билан ҳам элда обрў-эътибор қозонган.

Аслида А.Рустамов меҳнат фаолиятининг ўзи қанчалар очиққўнгил ва дилкаш инсонлигини, илмга ташна, хизматда фидойи эканлигини кўрсатиб турибди.

У меҳнат фаолиятини 1959 йилда ишчи-қурувчи сифатида бошлаган. 1961 йилда Самарқанд давлат университети тарих факультетига ўқишга кирган. Шу орада уни армияга олиб кетишади. Уч йиллик ҳарбий хизматдан сўнг ўқишни давом эттириб, 1968-1971 йилларда университетда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Фаолиятининг кейинги 20 йили эса Самарқанд шаҳар партия ташкилоти билан боғлиқ: партия йўриқчиси, бўлим мудири ва котиб.

Тажрибали ходим сифатида кейинчалик ҳам унинг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги хизматларидан фойдаланишган. Жумладан, А.Рустамов 1992-1999 йилларда вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат ва кадрлар бўлими етакчи мутахассиси бўлиб ишлаган.

Кейинчалик собиқ “Парвина банк”да ахборот муҳофазаси ва хавфсизлик бўлими бошлиғи, “СамАвто” масъулияти чекланган жамияти бош директорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси вазифаларини бажарган.

А.Рустамов қаерда, қайси лавозимда ишламасин меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан кенг жамоатчиликнинг ҳурматини қозонган. Одамларга самимий ва ҳалол хизмат қилиб, хизмат пиллапояларидан дадил кўтарилган. 2012 йилда пенсияга чиққан бўлишига қарамай жамоат ишларида фаол.

Дарвоқе, бу кишини бежизга шаҳар ҳокимлигининг кадр ортидаги қаҳрамони, деб атамадим. Негаки, бугун Самарқанд шаҳридаги сайловларнинг ҳеч бири унинг иштирокисиз ўтмайди. Чунки бугунги кунда шаҳар сайлов комиссияси раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

А.Рустамовнинг жамоатчилик асосидаги бу ишни бажариши ҳам ўзига хос тарихга эга. Чунки у 1991 йилдан буён деярли барча сайловларга жалб этилади.

Жумладан, 1991 йил декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг биринчи президент умумхалқ сайловида Самарқанд сайлов округига раҳбарлик қилган. Аҳамиятлиси, навбатдаги Президент, Олий Мажлис депутатлари сайлови, маҳаллий Кенгашларга сайловлар, шунингдек, фуқаролар йиғинларига сайловларда ҳам у кишининг тажрибаси ва фидойилиги кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Шу боис, А.Рустамов Ўзбекистон сайлов қонунчилигига оид бир қанча халқаро анжуманларда фаол қатнашган. У кишининг бир нечта таклифлари янги Сайлов кодексида ҳам ўз ифодасини топган.

Айримларда шундай бўлади, давлат ишида ишлагани боис маҳалла-кўйга кўпам аралашавермайди. Арслон ака ундайлардан эмас. У ўзи истиқомат қиладиган Самарқанд шаҳри, Боғишамол маҳалласи оқсоқолининг маслаҳатчиси, маҳалла “Нуронийлар” жамоатчилик кенгаши аъзоси.

Шу кунларда бу ажойиб инсон 80 баҳорни қарши олмоқда. Унга фарзанд ва набиралари камолини кўриб юриш бахтини тилаймиз!

Фармон ОЧИЛОВ.

Руҳий истаклар камайса, моддий истаклар кўпаяди

Алишер Навоий асарларини сўфийлик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш бу улуғ алломанинг ўзи том маънода сўфий бўлганлигини намоён этади. Эътиқодда қойим, тақвода шойим – бир сўз билан айтганда, шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўла-тўкис динимиз равнақи, эл-юрт ривожига хизмат қилган.

Навоий ўз ижодида нафснинг ўпқон экани ҳақида кўп далиллар келтиради. Жумладан, “Лисон ут-тайр” достонида қушлар ўзларининг раҳнамоси – Ҳудҳудга шариатга доир саволлар беришади. Ҳудҳуд саволларга жавоб берар экан, шариат ақидаларини тасаввуфий руҳда талқин қилади. Масалан, қушлардан бири сўрайди: “Лаънати иблис мени доимо васвасага солиб, ножўя хаёлларни кўнглимга келтиради, ундан қутилиш чораси нимада?”. Ҳудҳуд ўз жавобида айтади: “Иблис ташқаридаги ғайритабиий куч эмас, балки сенинг нафсинг ва хулқингдаги иллатларнинг ифодасидир, чунки сенинг қалбинг кибру ғурур ва нуқсонларга тўлиб-тошган, уларни кўриб шайтоннинг ўзи ҳам қўрқиб, чўлу биёбонларга қочган бўлур эди”.

Бу парҳезкорлик, яъни ўзни тийиш, ҳазар қилиш. Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.) “Кимки дунёдан парҳез этса, унинг нури тажаллиёт нури кирадиган жойга айланади” деганлар.

Навоий унга шундай таъриф беради: “Зуҳд дунё орзуларидан кечмоқдур ва нафс аларнинг мавто заҳрини ичмоқдур ва молу жоҳ хаёли риштасин кўнгулдин узмоқдур ва нангу номус бутларин ушатурға ўзин тузмоқдур ва қабул умидиға риёзат тариқин тутмоқдур. Ва шариат жодасида мардона турмоқдур”.

Ҳазрат Навоий руҳий истаклар озайгач, моддий истаклар кўпаяди, дейди. Айни тарзда очкўзлик ҳам зеҳнни заифлаштиради, руҳ ва ақлни парда билан ўраб ташлайди. Бу ҳол нафсни тарбиялаш ва уни нуқсонлардан халос этишга тўсқинлик қилади. Бу билан инсон одамийликдан ҳайвонийликка юз тутади.

Зуҳд – нафс истакларини камайтириш, фикрни унинг орзулари ила банд этмаслик. Кунни чиройли матоҳлар ва лаззатли овқатлар ҳақидаги суҳбат ва баҳслар билан ўтказмаслик. Чунки ҳайвонлар ҳам деярли дуч келган жойда ўтлайди, доимий жун либосида юради, кўп ухлайди. На ўтмишдан ибрат олиш, на истиқбол андишаси бор уларда. Шундай ҳолда ҳайвонларнинг бахтли ёҳуд иззатли бўлишлари ҳақида ўйлаб кўриш мумкинми? Йўқ, албатта. Бу зуҳдга мутлақо мувофиқ келмайди. Аммо ҳеч кутилмаган ва таъмасиз келган неъматлар қабул қилинади ва шукри лозим бўлади.

Алқисса, Ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижодини покиза ахлоқ ва гўзал тарбиянинг юксак намунаси сифатида тадқиқ қилиш керак. Суфиёна қарашлар билан суғорилган унинг асарлари бугунги кунда ҳам, қолаверса келажак учун ҳам, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Ботиний оламни ислоҳ қилиш билан зоҳирий оламни кўркамлаштириш илми, бу – тасаввуф экан, унинг таъсири атрофда ҳам кўринади. Адолат, қаноат, матонат, маърифат, шижоат каби эзгу фазилатлар улуғланган, ёшларининг қалбида шу каби сифатлар маърифий йўл билан сингдирилган жамиятда залолат, жаҳолат, қабоҳат каби иллатларга ўрин қолмайди.

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

Текин дори

Бекордан бекорга асабни бузиб, арзимаган нарсадан жиғибийрон бўлиб жанжаллашишининг олдини оладиган, руҳий тушкунликни йўқотадиган муҳим воситалардан бири – кулгидир. Кулги киши кўнглидаги ғам-алам, ситамларни йўқотади, саломатликни мустаҳкамлаши ҳақида табибу алломалар ҳам кўп таъкидлашган. Абу Али ибн Сино кулги текин дори сифатида хафақон кишилар учун малҳам эканлигини ўз иш фаолиятида ҳам исботлаган.

Шарқда XIV-XV асрларда шаклланган кулги терапияси аста-секин Европа, сўнг бошқа давлатларга ҳам етиб борган. Н.Казинснинг «Умидбахш биология» китобида кулгининг инсон организми учун фойдали эканлиги тўғрисида ўтказилган кўплаб тажрибалар келтирилган. «Инсон кулар экан, у ўзини анча бардам ҳис қилади, зеро эндорфинлар жисмоний ва руҳий оғриқларни камайтиради», дейди муаллиф. Стенфорд тиббиёт маркази шифокорлари ҳақиқий кулги юрак томирларини мустаҳкамлашини ва қон босимини меъёрида сақлаб туришини илмий исботлаган.

Тарихда шоҳлар саройидаги масхарабозлар нафақат кўнгил очиш учун хизмат қилган, балки ижтимоий сиёсатдаги мўътадилликни, саломатликни таъминлаган. Европа тарихчиларининг ёзишларича, ўрта асрларда масхарабозлар, кулдирувчи, комедиантлар келгач, табиблар иши камайган. АҚШда ўтган асрнинг 30-йилларидаги буюк депрессия пайтлари Ҳолливуд кўплаб ёрқин, кулгили комедия ва мюзикллар яратиб, чипта нархларини арзонлаштирган экан.

Немис файласуфи Ф.Ницше «Кулги озодликка ўхшайди», деган бўлса, Абу Али ибн Сино кулиш инсонни аллақандай мавҳум юкдан халос қилиши ҳақида ёзади.

Ҳақиқатан ҳам кулги дори-дармон ўрнини босиши ҳақида кўп таъкидланган. Баъзида ҳаётдан аламзадалик ўрнига табассум қанчалик фойдали эканини билганингиз ҳолда тушкунликка эрк бериш соғлигингизга кони зиён эканини, муаммоларингизни янада чигаллаштиришини билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

Қаҳрамон БЕРДИЕВ.

Тарбия

Ҳаё пардаси

Шарм-ҳаёсиз одам истаса-истамаса ўтмишдаги яланғоч ясалган, уят, ҳаё ҳисларидан маҳрум ҳайкалларга ўхшайди.

Фаҳм-фаросатсиз махлуқ десак ҳам бўлаверади. Ҳаво иссиқ бўлса, жонининг ҳузурини кўзлаб қизлари, келинлари ёнида ҳам бемалол тор «шортик-иштонча»да юраверади. Уят, шарм-ҳаё бўлмагач, шуда.

Уят нима ўзи?

Илгарилари ичкарида кексалар ўтирган бўлса, чой келтирган аёллар рўмолининг учини лабларига босиб, қимтинганича кимдир ичкаридан чиқишини кутган. Нима халақит берган уларга ичкарига киришга?

Эркаклардан уялиш, шарм-ҳаё, аёллик латофати, иффати, албатта.

Илгариги тўй-маъракаларда эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида ўтиришарди. Эркаклар зиёфатида аёлнинг қорасиям кўринмасди. Ҳозир-чи, аралаш-қуралаш. Аёл билан қадаҳ уриштир, рақсга туш...

«Аёллар тўдасида кўп ўтирма» деган ҳикмат бежиз айтилмаган ахир. Аёллар ҳақ-ҳуқуқини чеклаш, аёлларни камситиш ҳам эмас бу! Ёшлар орасидаги уят, шарм-ҳаёнинг кўтарилиб кетишига асос-ку булар. Мана илдиз қаерда!

Шортикчалар-у тор юбкалар кўпайса, ота-момо мерос удумларимиз маҳв бўлиб бораверади ва йўқ бўлиб кетади. Шундан асрасин!

Муродим УМРЗОҚОВ.

Мустақиллик йиллари Самарқандда

1995 йил, май

АҚШдаги Калифорния Университетининг етук иқтисодчи олими, БМТ вакили Азизар Раҳмонхон қишлоқ хўжалиги билан танишиш мақсадида Иштихон туманига келди.

Вилоят ҳокими П.Абдураҳмонов ЮНЕСКО йўлланмаси асосида Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари билан танишиш учун келган БМТ техник маслаҳатчиси Берри Лейн бошчилигидаги мутахассисларни қабул қилди.

19 май куни АҚШнинг “Кейс” корпорацияси президенти Жан Пьер Россо бошчилигидаги делегация Самарқандда аграр ислоҳотлар, қишлоқ хўжалиги ва машинасозлик билан танишди.

июнь

Японияниг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси вакилларидан иборат делегация шу жамғарма президенти А.Нишигаки бошчилигида Самарқандга келди.

Вилоятимизда 17 500 гектар ерда экилган ғалла йиғим-терими бошланди.

октябрь

“Булунғур” агросаноат фирмаси бош директори ўринбосари техника фанлари номзоди О.Шоввозов электр билан ишлайдиган комбайн яратди.

18 октябрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Тошбўри Қиличев Нуробод тумани ҳокими вазифасидан озод этилди.

21 октябрь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Ислом Азимов Нуробод тумани ҳокими этиб тайинланди.

ноябрь

1 ноябрь куни Бутунжаҳон банки президенти Жеймс Уолфенсон бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлди.

21 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокими П.Абдураҳмонов вазифасидан озод этилди. А.Мардиев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланди.

декабрь

Ургут туманида 500 та кичик ва шахсий қўшма корхона, 100 та деҳқон-фермер хўжалиги, 29 та ҳиссадорлик жамияти, 148 та аҳоли пункти ва 126 та мактаб фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанд туманида 80 дан ортиқ иншоот фойдаланишга топширилди.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 19 542 нусхада чоп этилди. Буюртма 106

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56
БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Г.МЎМИНОВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009